



«Бобурнома»нинг хохлаган саҳифасини ўқиб, бугун учун бир ажиб хулоса топасиз. Бу самимий ва тиник, аниқ ва пухта, қалб эҳтироси-ю ақл қудрати бўртиб турган ўзбекона жумлалар замирида буюк бир шахс, қучли бир тийнат, теран бир нуқтаи назар, қатъий бир сийрат, бугунги тушунчалар билан айтганда, юқсак даражада тизимлашган миллий мафкура бор.

«Бобурнома»нинг хохлаган саҳифасини ўқиб, бугун учун бир ажиб хулоса топасиз. Бу самимий ва тиник, аниқ ва пухта, қалб эҳтироси-ю ақл қудрати бўртиб турган ўзбекона жумлалар замирида буюк бир шахс, қучли бир тийнат, теран бир нуқтаи назар, қатъий бир сийрат, бугунги тушунчалар билан айтганда, юқсак даражада тизимлашган миллий мафкура бор.

Бобур лашкару аъёнлари билан бирга Хиндистонга юриш қилиб, уни эгаллади. Албатта, халқ ўз-ўзидан, шунчаки даъват билан Бобурга эргашиб кетаверган эмас. Бобур Мирзонинг одамлардан кўзда тутган қатъий мақсад ва очик манфаати шу эдики, кемага қирганнинг жони - бир: «Мен ўтқа, сувга қирсам-чиксам, бетахоший (ўзбошимчалиқ қилмасдан) булар била (бирга) қиргайлар ва била чиккайлар. Мен ҳар сориға бўлсам, алар менинг сори бўлгайлар». Шундагина мақсад бирлигига эришилади.

Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Улар менинг мақсадимга хилоф сўз айтмаслиги, ўзаро кенгашиб, маслахатлашиб буюрилган хар иш ва топширикни бажаришга киришадиганда хали мажлис тарқамасдан турибок ундан кайтиш каби ходисалар юз бермаслиги керак, дейди Бобур.

...Бизда исиниб олиш учун ҳаммом барпо этилади. Хиндистон шунчалик исикки, ҳаммомни салқинлашга мослаб қуришади. Бунинг устига, бобурийлар Кобулдан чиқиб, Оғрани эгаллаганлари йили хаддан зиёд исик келган эди. Гарм-сёл эсиб, бунга ўрганмаган одамларни каттик холдан тойдирди. Бобурнинг ўзи ёзганидек, улар «Хиндистонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз кўюб эдилар».

Нима қилиш керак?

Бобур барча бекларни кенгашга йигади-да, улар олдига қатъий талаблар қўйиб, оташин нутқ сўзлайди:

«Салтанату жаҳонгирлиг беасбобу олот даст бермас. Подшоҳлику амирлик бенавқар ва бевилоят мумкин эрмас. Неча йил саъйлар қилиб, машаққатлар кўруб, узок ерлар қатъ этиб (босиб ўтиб), чериклар юруб (лашқар тортиб), ўзумузниву черикни харбу китол мухотараларига (уруш ва ўлим хатарларига) солгайбиз. Тенгри инояти била бу навъ калин ёғиларни (душманларни) босиб, мундоқ кенг мамлакатларни олгайбиз.

Холо (эндиликда) не зўр келибтуру не зарур қилибтурким, мундоқ жонлар тортиб олгон вилоятларни бежихат (сабабсиз) солгайбиз (ташлаб кетамиз), яна бориб, Кобулга тангдастлиг ибтилошига (кўли қалталиқ бошланишига) қолгайбиз?!»

Хар ким давлатхоҳдур, мундин сўнг мундоқ сўзларни айтмасун! Хар ким тоқат келтура олмай, кетарга юз қўйса, борғонидин қайтмасун!..»

Вазият Бобурдан бекларига шундай дағдага қилишни, улар олдига шундай қатъий вазифаю шарт қўйишни такозо этар эди.

Жангларда кўп мардликлар кўрсатган Хожа Калон, барибир, Хиндистонда қилишни истамади. Охири, Бобур Мирзо уни Кобул ва Газнига юборилаётган сов-га-саломларни олиб борувчиларга бошлиқ қилиб тайинлаб, қайтишга рухсат берди. Унга Газни, Гардиз ва Султон Масъудий хазорани иноят қилди. Яъни Бобур бек норизо бўладиган бирор иш қилгани йўқ.

Бирок...

Хожа Калон Хиндистондан кетаётганида ўзи турган уйнинг иморати пештоқиқа «Хиндистонингни елкаминг чуқури кўрсин» қабалидаги «Хинд юртидан эсон-омон қайтиб, уни яна орзу қилар бўлсам, юзим қора бўлсин» деган байтини битиб кетди: Агар бахайру саломат гузар ба Синд қунам, Сиёхрўй шавам, гар хавойи Хинд қунам.

Ана холос!

Хўш, бунга Бобур нима дер экан?

Айтарини айтди, албатта: «Биз Хиндус-тонда туруб, мундок зарофатомиз (камситадиган) байт айтмоку битмок бесувраттур (маъкул эмас)».

Чунки бундай шеърни айтиш хам, уни уй пештокига ёзиб кўйиш хам бобурийларнинг Хиндистондаги сиёсати манфаатларига зид ва халал бергувчи ходиса эди.

Бобур Мирзонинг хукми катъий: «Кетмакдин бир кудурат (хафачилик) бўлса, бу навъ зарофаттин икки кудураттур!»

Шоир эмасми, бу воқеадан хабар топган Бобур ўша захоти бадиха (ёдаки шеър айтиш) йўли билан бир рубоий тўқийди-да, коғозга битиб, оркадан Хожа Калонга жўнатади: Юз шукр де, Бобурки, караму гаффор, Берди сенга Синду Хинду мулки бисёр. Иссиклигига гар санга йўктур токат, Совук юзини кўрай десанг, Газни бор.

Бу нима, манфаатлар тўқнашувими? Ундай бўлса, биз тушунган мафкура - худди шу!

Бир инсон бегона юрт иклимига кўниколмаган бўлса, шуни шеърга солса, нима килибди! Шоир Бобур бунга ажабтовур тушунади. Аммо бу шох Бобурга асло ёкмайди. Чунки шугина икки катор шеър унинг сиёсатига, демакки, тузган давлати манфаатига карши эди, унинг ана шу сиёсатига халал келтирар эди, албатта.

Аввало, ёзмасин эди. Ёзса хам, жилла курса, элга, хусусан, хинд халкига бундай ошкор килмасин эди. Ахир, Хожа Калон кетаётган бўлса хам, биз шу ерда коляпмиз-ку, дейди у.

«Бобурнома»да бунга ўхшаш мафкуравий ўринлар сон-минг. Шунинг учун хам адабиётни мафкурадан холи холда тасаввур килиб бўлмайди.

Султонмурод Олим